



Европада романтизм адабиёти XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида шаклланди. XIX асрнинг танкидий реалист ёзувчилари вокейликни кенгроқ, чукуррок акс эттиришда романтиклар тўплаган ижодий тажрибага суюнадилар. Романтизм адабиётининг баркамол характерлар яратиш хаёт зиддиятларини йирик контраст образлар тўкнашувида кўрсатиб бериш каби хусусиятлар йирик ёзувчилар реализмнинг шаклланишига ўз хиссасини кўшди. Немис адабиётида романтизм даврида эртак жанри нихоятда ривожланади. Халк оғзаки ижодининг бой хазиналаридан тўплаган ака-ука Гrimmlar хамда Goфmannинг эртаклари алоҳида ўринни эгаллайди. Goфман ижоди учун характерли нарса санъат ва санъаткор мавзуи бўлди. Ёзувчининг Kresler тарихига оид очерклари унинг номини адабиёт оламига танитди.

Инглиз адабиётида романтизм Европа инкилобий характерати даврида шаклланган бўлиб, инглиз романтиклари мавзуни кайси даврдан олишларига карамай, ўз замонасига мурожаат килдилар. Байрон ижодида даврнинг барча зиддиятлари акс этган. Шарқ достонларида шоирнинг адолатсиз жамиятга нисбатан муносабати кўрсатилган. «Дон жуан» асарида шоир замонасидаги мухим ижтимоий воеаларга, масалаларга ўзининг танкидий муносабатини билдиради. Инглиз романтикларидан Шелли поэмалар, хажвий ва ишкий мавзудаги лирик шеърлар муаллифи В. Скотт эса тарихий романлар муаллифи сифатида адабиётда ном колдирди.

Француз адабиётида романтизм йўналишининг негизида инкилоб туфайли юзага келган тартиблар ётади. Илгор француз романтиклари Ж.Санд, В.Гюолар илгор романтиклардир. Булар мавзууни ўз халки тарихидан, миллий тарихдан ахтардилар. Бу ёзувчилар ўз асарларида француз халк тилининг бойликларидан унумли фойдаланади, француз шеър тузилишини янги вазнлар, хилма-хил кофия, миллий колорит кенг халк лугати билан бойитди.

Америка адабиётида кўзга кўринган романтик ёзувчилар Вашингтон Ирвинг, Фенимор Куперлардир. Ф.Купер Америка адабиётида тарихий романлар муаллифи сифатида шухрат козонган ёзувчидир. Унинг ижодини уч даврга бўлиб ўрганамиз. Биринчи даврида Америкадаги адолатсизликларни коралаган бўлса, иккинчи даврини Европа мамлакатлари тарихига багишлайди, учинчи даврини эса АҚШ ижтимоий тузумини танкид килишга багишлаган.

Немис тараккийпарвар романтизмининг вакиллари Ф. Гельдерлин, А. Шамиссо, А.Гофман, ака-ука Гrimmlar хисобланади. Бу давр немис адабиётида эртак жанри нихоятда ривожланади. Халк оғзаки ижодининг бой хазиналаридан тўпланган ака-ука Гrimmlar хамда Goфmannинг эртаклари алоҳида ахамият касб этади.

Эрнст Теодор Амадей Гофман ижоди XIX аср бошларидаги немис адабий хаётидаги

мухим воеа бўлди. Гофман Кенигсберг шахрида амалдор оиласида 1776 йилда тугилади. У университетнинг хукук факультетига ўкишга киради. Лекин у хукук ишларига эмас, мусика тасвирий санъат хамда адабиётга зўр иштиёк кўрсатади. 1809 йили Лейпцигдаги «Умумий мусика газетаси»нинг редактори Гофманга истеъдодли мусикачи, аммо кашшокликка дучор бўлган композитор Крейслер тарихини топширади. Тез орада бу газета сахифаларида Гофманнинг Креслерга багишланган оригинал очерклари пайдо бўлди. Бу очерклар шухрат козониб, Гофман номини бутун адабиёт оламига танитади. Шундан кейин ёзувчининг «Кавалер Глюк», «Дон Жуан» номли новеллалари, мусика хакидага маколалари бирин-кетин босилиб чиқди. Санъат мавзуи ва унинг хаётга муносабати Гофман ижодининг охиригача давом этади.

1814 йили Гофман узок вакт дарбадарликдан сўнг Берлинга кўчиб келади, ижтимоий-сиёсий воеаларга аралашади. Аммо унинг соглиги йилдан-йилга ёмонлашиб, 1822 йили 46 ёшида вафот этади.

Жозибадор новеллалар муаллифи Гофманнинг «Тунги хикоялари» (1817), «Сарапион муридлари» (1821), «Циннобер лакабли митти Цахес» (1819) эртаги, «Мушук Муррнинг хотиралари» (1821) романи хам машхур.

Эрнест Теодор Амадей Гофман асарларида азоб-укубатларга дучор килинган бечора одамларга хайрихохлик, меҳрибонлик билдирилади. Ёзувчининг кураш куроли бўлмиш хажвиёт ўша замон амалдорларига, аристократ мешчанларга карши чархланган.

Гофманнинг «Кичкина Цахес» номли эртак шаклига солиб ёзилган сатирасидир. Гофман асарларида романтик воеаларнинг реал хаётдан узоклиги сабабини Белинский ўша замон немис ижтимоий мухитининг чиркинлигига кўради. Улуг танкидчи Гофман ижодидаги романтик фантазия унинг асарларидаги заифликни билдирса, ундаги санъатга бўлган хурмат, юмор, жонли ўхшатишлар, танкидий майл адиб ижодининг ижобий томонларини намойиш этар эди.

Гофман асарларининг бадиийлиги, ранг-баранг воситаларга бой тили, мусикий охангдорлиги кишини ўзига мафтун килади.

XIX аср бошларида Англияда луддитлар харакати авж олади. Луддитлар—машина бузувчилар, XIX аср бошида Англияда саноат тараккиёти натижасида ишсизликдан хонавайрон бўлган ишчилар харакатидир. Англия парламенти луддитларга карши адолатсиз конун кабул килган. Парламент конунига карши Байрон луддитларни химоя килиб нутк сўзлаган эди.

Мана шундай шароитда шаклланган инглиз романтизми уч хил окимга бўлинган. Биринчи оким «Кўл мактаби» ёки «Лейкистлар» деб ном олади. Бу оким вакиллари Вордсворт, Саути хамда Колриж эдилар. Иккинчиси тараккийпарвар инкілобий романтизм вакиллари Байрон ва Шелли эдилар. Учинчи оким вакиллари Лондон романтиклари деб ном оладиларки, бунга Китс, Лэм, Хезллитт каби ёзувчилар бирлашган эдилар.

Англия романтикларини кескин равишда, мутлако реакцион ёки революцион деган тамга остига олиб бўлмайди. Масалан, «Кўл мактаби» вакиллари бўлган, «Лейкистлар» деб ном олган Вордсворт, Колриж ва Саути каби ёзувчиларни бутунлай реакцион романтиклар дейиш хам тўгри эмас. Шунингдек Англия романтиклари хам бирмунча тарккийпарварлик мавкейида туриб ижод килганлар. Шу тарика инглиз романтизими ўзига хос миллий хусусиятлари билан ажralиб туради.

Жорж Гардон Ноэль Байрон инглиз романтизм адабиётининг забардаст вакилларидан бири. У 1788 йили аристократ оиласида тугилади. Бўлажак шоирнинг ёшлиқ ийллари Шотландияда ўтади. Кэмбриж университетини тугатади. Ўрта Ер денгизи бўйлаб икки

йиллик сафарга чикади. Испания, Мальта, Албания, Туркия, Португалия хамда Гречияни айланиб чикади.

«Чайльд Гарольдинг зиёрати» бу асар чукур лиризм билан сугорилган, сиёсий мавзуда ёзилган. Байрон ижодида алохода ўрин тутади. Асар қаҳрамони зодагон йигит Чайльд Гарольд Англия ярамас мухитидан бугилади. Достоннинг биринчи ва иккинчи кисмларида асар қаҳрамони муаллифнинг ўзи сафар килган мамлакатлар: Португалия, Испания, Альбания ва Гречияда бўлади. Хамма ерда эрксизлик, зулм хукм сурмокда. Альбанияда унинг диккатини оддий кишилар тортади. Гўзал табиат манзараплари кўйнида халкнинг кашшок яшashi уни кайгуга солади. Достонда Испан ватанпарварларининг Наполион боскинчиларига карши олиб борилаётган қаҳрамонона курашлар хикоя килинади.

Иккинчи кисмида бир замонлар буюк бўлган Гречия эндиликда Туркия боскинчиларининг зулми остида эзилаётганлиги хакидадир. Учинчи ва тўртинчи кисмлари 1816-1823 йиллар шоир ватанидан чикиб кетишга мажбур бўлгандан кейин, Швейцария ва Италияда ёзади. Асарнинг учинчи кисми биринчи Француз буржуа инкилоби (1789-1794) воқеаларига багишланади. Достоннинг тўртинчи кисми шоирнинг Италия, унинг ўтмиши ва буюклиги хакидаги адабий мушоҳадалар билан бошланади. Шоир денгиз тўлкинларини кузатар экан, газабкор ва ўз озодлиги учун курашаётган халк харакатини ана шу даҳшатли денгиз тўлкинларига киёс килади.

Байроннинг жўшкун халкона нутклари 1813-1816 йилларда яратган «Шарқ достонлари» номли тўпламига кирган «Гяур», «Абидосс келинчаги», «Корсар», «Лара», «Коринф камали» хамда «Паризина» номли романтик поэмалари унинг душманларини хаддан ташкари газаблантирган эди. Байрон 1815 йили Анабелла Мильбенк исмли аристократ кизга уйланади лекин у Байроннинг интилишларини тушунмайди. Натажада 1816 йили Байрон ўз ватани Англияни бутунлай ташлаб кетишга мажбур бўлади.

«Шарқ достонлари»да шоирнинг адолатсиз жамиятга нисбатан нафрати янада ортиб боради. Асар қаҳрамонлари хукмон жамиятнинг муросасиз душманлариdir.

«Гяур» достонининг қаҳрамони Лейла исмли аёлни севади. Аммо Лейланинг рашкчи эри Хасан ўз хотинининг Гяур билан севишганидан хабар топиб, уни ўлдиради. Бунга чидай олмаган Гяур Лейла учун Хасандан ўч олади. Асар охирида унинг Лейла ишкида азоб чекиб вафот этиши тасвирланади.

«Корсар» достонининг қаҳрамони Конрад денгиз карокчиларининг бошлиги. Конрад жамиятдан безиб, денгиздаги ороллардан бирида яшайди. Унинг максади маданий жамиятдан ўч олиш, унга карши курашишдир. Байрон қаҳрамонлари эхтиросли. Исёнкор шахслардир. Аммо улар ёлгиз курашчилар.

Байрон бир канча лирик шеърлар силсиласини яратди. «Яхудий мелодиялари» деб номланган тўпламда хам шоирнинг шарқ достонларида бўлганидек тушкунлик, хаётдан нолиш кайфиятлари акс этади. Байрон 1816 йил Жинева ватанпарвари Бонивар жасоратини тараннум килган «Шильон туткуни» асарини ёзади. 1817-1821 йиллар орасида шоир янги адабий романтик драмалар туркумини яратди. Бунга «Манфред», «Осмон ва Ер», «Кайн» номли ажойиб фалсафий мулоҳазаларга бой драматик асарларини яратди.

Байроннинг «Дон Жуан» романи 1824 йилда ёзилади. Шоир бу асарининг воқеаларини XVIII асрга кўчиради. Бунда Байрон ўзи яшаб турган даврнинг энг долзарб воқеаларини ёритиб беради. Роман қаҳрамони Дон Жуан Испаниялик дворян. У аёлларга нисбатан суюкоёқ, енгилтак зодагон йигит сифатида тасвирланади. Дон Жуан айни пайтда замонасида хукм сураётган урушларни, адолатсизликларни, халк бошига тушган оғир

кулфатларни фош килувчи одил хакамлик ролини ўйнайди. Шунинг учун хам Дон Жуан образи доимо ўсишда, ўзгаришда кўрсатилади.

Дон Жуаннинг ота-онаси уни диний мактабга беради. Мактабдан кувилган Дон Жуанни отаси сафарга жўнатади. Кема халокатга учраб, Гречия киргокларидағи ороллардан бирига чикиб колади. У ерлик Гяур исмли киз Дон Жуанни топиб олади, кизнинг отаси Дон Жуанни Туркия бозорида кул килиб сотиб юборади. Турк султонининг кичик хотини бозорда чиройли йигит сотилаётганини эшишиб, уни сотиб олади ва аёл киймини кийдириб султон харамига олиб киради. Туркия султони саройига тушиб колган Дон Жуан бу ерда хукм суроётган шафкатсизлик билан бузукликларнинг гувохи бўлади. Кўринадики, Дон Жуан образи шоирнинг романтик қаҳрамонларидан фарқ килади. Дон Жуан мутлако реал воеалар, реал одамлар билан тўкнашади. Унинг хаёти хам, таржимаи холи хам, оддий одамларнидек. Шу сабабдан Дон Жуан образи реализмга якин туради. Байрон барча асарларида зулмга карши муросасиз курашчи бўлиб колди. Шунинг учун хам уни «Жаҳон кайгусини куйлаган шоир» деб аташади.

Перси Биши Шелли инглиз адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири. У дворян оиласида 1792 йилда туғилади. Аввало Итон колледжида, сўнгра Оксфорд университетида ўқиди. Шелли талабалик йилларида илгор ўқитувчиларнинг таъсири остида бўлди. Шунинг натижаси ўларок, ўртоги Хогг билан бирга «Дахрийликнинг зарурлиги» деган брошюра ёзади. Бу асари учун Шелли ва Хогг университетдан зайдалади. 1818 йили Шелли ўз ватанидан хайдалади. 1822 йили шоир денгизга чўкиб ўлади.

Шеллининг мухим асарлари «Киролича Маб» (1813й.), «Ислом кўзголони» (1818й.), «Озод килинган Прометей» (1820) поэмалари, «Ченчи» (1819) фожиаси ва бир канча сиёсий, хажвий, ишкий мавзудаги лирик шеърлариридир.

«Киролича Маб» дидактик достонида замонасидаги ижтимоий тузумга, буржуа ахлоқига, кишиларни кулликка чакирувчи диний сафсаларга карши кураш очади. Авторнинг максади меҳнат ахли хисобига яшаётган золимлар, текинхўрларни аёвсиз фош килишдан иборат. Гарчи достоннинг сюжети воеалари фантастик сайёralар оламида, коинот бўшликларида бўлиб ўтса-да, лекин Шелли ер юзи, бутун инсоният хаётини, меҳнаткашларнинг азоб-укубатини ифодалаб беришга харакат килади. «Ислом кўзголони» Шеллининг биринчи Француз буржуа инкилобига хамда Европа мамлакатларида юз бераётган ишчилар харакатига бўлган муносабати ифодаланган. Асар сюжети Туркиядан олинган. Асар қаҳрамони Лаон ва Цитна исмли мамлакат ахолисини, Шаркнинг мазлум халкини зулмга карши курашга ундейди. «Озод килинган Прометей» асари романтик усуlda ёзилган. Прометей инсонларнинг дўсти. Юпитер эса, золим эксплататор синф вакили. Асрда шоир Юпитер ва Прометей ўртасидаги курашларни акс эттиради. Озодликка эришган кишилик жамиятининг келажакдаги киёфасини чизиб, синфсиз жамият, эркин меҳнат асосига курилган адолатли тузум карор топишини башорат килади.

Агар Шелли аввалги асарларида узок ўтмишга мурожаат этиб, фантастик, мифологик сюжетларни ишлаган бўлса, «Ченчи» фожиасида реализмга яқинлашиб келади. Бу асарда XIV асрга оид Рим кутубхонасида сакланган бир ойланинг аччик кисматини хикоя килувчи хроникани ўз асарига асос килиб олади. Граф Ченчининг бузуклиги шу даражага бориб етадики, у ўз кизи Бэатричега хам кўз олайтиради. Номуси поймол килинган киз Бэатриче онаси ва уйдан хайдалган акалари билан маслаҳатлашиб, золим ва бузук отадан ўч олиш, ойланинг ор-номусини саклаб колишга карор килади.

Англияning йирик ёзувчиларидан бири Вальтер Скотт ажойиб санъаткор, тарихий романлар муаллифи сифатида жахон адабиёти хазинасига баракали хисса кўшди. Вальтер Скотт тарихий жараёнларнинг ривожланишини синчковлик билан кузатди. Халк оммаси харакатининг тарихда ўйнаган объектив ролини одилона акс эттиради. Ана шулар ёзувчи яратган тарихий романларнинг хакконийлигини таъминлаган омиллар эди. Ёзувчи 1771 йилда Шотландияда дворян оиласида туgilади. Вальтер Скотт ижодини характеристига караб, уч даврга ажратиш мумкин.

Биринчи давр: 1796-1813 йиллар дастлабки поэмалар яратилган давр.

Иккинчи давр: 1814-1818 йиллар бўлиб, бу йилларда Скотт Шотландия тарихидан олиб ёзган ажойиб романларини «Уэверли», «Гай Маннеринг», «Антикварий», «Пуританлар», «Роб Рой», «Эдинбург зиндони» яратади.

Учинчи давр: 1819-1832 йилларни камрайди. Бу даврда ёзувчи Англия, Франция хамда Шотландия тарихига, бошка давлатларнинг узок ўтмишига мурожаат килиб, «Айвенго», «Кенильворт», «Квентин Дорвард», «Гудсток», «Перт гўзали» каби романларини ёзади. «Уэверли» XVIII аср тарихидан олинган. Шотландияning кланлари XVII асрдаги инглиз буржуа инкилоби туфайли юз берган тартибларга карши кўзголон кўтарадилар.

«Пуританлар» (1816 й.) романида Скотт шотландиялик тогли дехконларнинг стюартлар династиясига карши кўзголони кўрсатилади. Бу асада халк оммасининг кироллик зулмига карши норозилик харакатини акс эттиради. В. Скотт Шотландия тарихига оид барча асарларида ўша халк хаётини, урф-одатларини, кийим-кечакларини хайрон коларли даражада усталик билан тасвиirlab беради.

В.Скотт ижодининг учинчи даврида ёзган асарларининг тарихий доирасини янада кенгайтиради. Бу даврда ёзувчи XII аср Англия хаётига оид «Айвенго», XV аср Франция тарихига оид «Квентин Дорвард», салб юришлар тарихига оид «Тилсимот» каби хилма-хил романларини ёзади. В.Скотт 20-йилларда бир канча тарихий, тарихий адабий мавзуда асарлар яратди. «Наполеон Бонапарт хаёти» (1827), «Шотландия тарихи» (1830), «Романнавислар хаётининг тасвири» (1824), Драйден ва Свифт (1826) хакидаги китобларини ёзади.

Вальтер Скотт умрининг сўнгги йилларида жуда кўп ишлади. Бу эса унинг соглигини издан чикарди. Врачларнинг маслаҳати билан Скотт жанубга даволанишга боради. Аммо соглиги яхшиланмасдан, 1832 йили Шотландияга кайтиб келгач, вафот этади.

Унинг асарлари ўз мохияти эътибори билан романтизм доирасидан чикиб, танкидий реализмга йўл очиб берди. Унинг бу хусусиятини Оноре де Бальзак, Проспер Мериме, А.С.Пушкин, Виктор Гюго сингари санъаткорлар ўз вактида пайкадилар. В.Г.Белинский Вальтер Скоттни «санъат даргоҳидаги Колумб» деб атади.

Вальтер Скоттнинг тарихий романлари Европа ва Америка адабиётига кучли таъсир кўрсатди. Унинг айрим хикоялари ўзбек тилига таржима килинган.

Францияда романтизмнинг карор топишига асосий сабаб XVIII аср охирида содир бўлган биринчи француз буржуа революциясидир. Бу революция Европанинг бир канча мамлакатларида жуда мураккаб гоявий курашни юзага келтирди.

Виктор Гюго Францияning зўр истеъдодли шоири, драматурги, романнависи. У ижодининг такомили давомида француз тараккийпарвар романтизмнинг юксак чўккисига кўтариленган йирик санъаткордир. Виктор Гюго 1802 йили Безансон шахрида офицер оиласида туgilди. В. Гюго ёшлигидан бошлаб Француз маърифатпарвар ёзувчилари ва файласуфлари Вольтер, Руссо асалари таъсирида бўлади. Йигирма ёшида Гюго «Касидалар» номли биринчи шеърий тўпламини нашр килдирди. У ўз

асарларида француз тилининг бойликларидан унумли фойдаланди, француз шеър тузилишини янги вазнлар, хилма-хил кофия, миллий колорит, кенг халк лугати билан бойитди. Гюго 1829-1830 йилларда «Марион Делорм» ва «Эрнани» драмаларини яратди.

«Париж Биби Марьям ибодатхонаси» романи «Ўлимга хукм килинган кишининг охирги куни» «Клод Гё» киссаларида ижтимоий мавзуга мурожаат килиб, кайта тиклаш даврининг конхўрлигини фош этди.

«Париж Биби Марьям ибодатхонаси» романи мавзуини Гюго XV аср франция тарихидан олди. Инсон тарихида диннинг машъум ролини бўртириб кўрсатиш максадида диний бўёкларни куюклаштириб чизиш учун XV аср Париж хаёти ёзувчига жуда кенг ижодий имкон беради. Гюго романни ёзишдан аввал Парижнинг машхур ибодатхонасини бир неча бор айланиб чиккан, унинг архитектураси, готик накшлар билан танишган. Ёзувчи ибодатхонани айланиб юриб, устунлардан бирига, ўйиб ёзилган юононча «Ананке» сўзини ўкийди. Ёзувчи бу сўзнинг маъносини кенгайтириб, унга уч хил мазмун беради. Яъни: дин ананкеси, жамият конунлари ананкеси хамда табиат оғатлари ананкеси.

В.Гюгонинг фикрича, инсон ўз хаёти давомида ўша уч хил ананке, уч хил догма, уч хил ёвузлик билан кураш олиб боради.

Ёзувчи инсоннинг динга карши олиб борган курашини тасвирлаш учун «Париж Биби Марьям ибодатхонаси» романини, шахснинг жамиятнинг адолатсиз конунларига карши курашини тасвирлаш учун «Хўрланганлар» романини, нихоят, инсоннинг табиат оғатларига карши курашини кўрсатиш учун «Денгиз захматкашлари» номли романини ёзади.

XIX асрнинг 30-40 йиллари Францияда кескин курашлар даври бўлди. Бу даврга келиб жуда хам огирашиб кетган меҳнаткаш халк ахволи бирканча ёзувчиларнинг диккатини ўзига тортди. Булар орасда Жорж Санд (1804-1876 й.) ўзининг ижтимоий мавзудаги асарлари «Сайёх шогирдлар», «Орас», «Жаноб Антуаннинг гунохи» бу романларида халк хаётини, ижтимоий масалаларни талкин килади. Жорж Санд кўп сонли романларида демократик мавкейини саклаб колади. Асл исми Аврора Дюдеван, аммо адабиётда Жорж Санд тахаллуси билан машхур бўлган бу аёл 1804 йилда Парижда тугилган.

Жорж Санд ижодини характерига кўра уч даврга бўлиб ўрганамиз.

Биринчи даври: «Индиана»(1831 й.), «Валентина» (1832 й.), «Лелия» (1833 й.), «Жак»(1834 й.) сигари асарларида якка- ёлгиз романтик каҳрамонлар хаётини хикоя килиб беради. Ёзувчи бу даврдаги романларида аёллар озодлиги масаласини кўтариб чиқди, оиласда давом этиб келаётган, аёлларнинг инсоний етуклигини оёқ ости киладиган тартибларга, эркакларнинг зулмига карши кураш очади.

Иккинчи даври 40- йилларда бошланади. Бу давр 1848 йил буюк француз буржуа инкилоби арафаси бўлиб, Европа мамлакатларида, жумладан, Францияда сиёсий кураш кўтаринкилиги хукм сурар эди. Жорж Санднинг ижтимоий мавзудаги «Сайёх шогирд» (1840 й.), «Орас» (1841 й.), «Консуэло» (1842-1843 й.), «Анжиболик тегирмончи» (1845 й.) хамда «Жаноб Антуаннинг куфр ишлари» (1847 й.) каби асарлари ана шу инкилоб даври таъсирида яратилган.

Учинчи даври: Сиёsat майдонидан узоклашган Жорж Санднинг асарларида ижтимоий-сиёсий мавзу кўринмай колди. Адебанинг бундан кейинги ижоди мавзулари кишлок хаётига оид дехконлар хаётидан олинган. «Кичкина Фадетта» (1848 й.), «Топилдик-Франсуа» (1848 й.) киссалари, «Кўнгирокчилар» (1853й.) романи

характерлидир. Ёзувчи умрининг сўнгги йилларида халк оғзаки ижодидан фойдаланиб, «Момо эртаклари» (1873 й.) номли тўпламини нашр килдиради.

Ёзувчи ўзининиг биринчи романи Индианада ўз хукуки, эрки, севгиси учун бош кўтарган исёнкор аёл хаётини хикоя килади. Асар қахрамони Индиана романтик сиймо.

«Валентина» романи хам аёллар тақдири хакида баҳс юритади.

Америка адабиётидаги романтизм 1775-1783 йилларда Кўшма Штатларда юз берган инкилоб туфайли майдонга келади. Европа мамлакатлари адабиётига таъсир кўрсатгани каби француз буржуа инкилоби (1789-1794 й.) АҚШ адабиётида романтизм йўналишининг келиб чикишига туртки бўлади. XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган йирик романтик ёзувчи Жеймс Фенимор Купер (1789-1851 йиллар.) АҚШ адабиётида кўзга кўринган романнавислардан биридир. Саргузашт романлар устаси, романтизм намояндаси Ф.Купер 1789 йили Нью-Йорк штатида йирик ер эгаси бўлган судья оиласида тугилади.

«Американинг Вальтер Сотти» деб ном олган Купер Кўшма Штатлар адабиётида тарихий роман жанрига асос солади. Ф.Купер ижоди ўзига хос хусусиятлари, хусусан демократизм, инсонпарварлик, оддий кишилар хаётини акс эттириши билан диккатга сазовор. Купер ижодини характерига кўра уч даврга бўлиш мумкин.

Биринчи даври-1821-1826 йиллар. Бу даврда адиб Америка инкилоби идеалларига ишонади, мамлакат буржуа демократиясига умид бοглаб, ватаннинг ўтмишига янги тартибларни карама-кариши кўяди. «Жосус»(1821 й.), «Лоцман» (1823 й.), «Пионерлар» (1823 й.), «Бостон камали» (1825 й.), «Сўнгги Могикан» (1826 й.) каби романларида адиб Америка хаётидагиadolatsizliklarни индеец кабилаларининг вахшийларча кириб ташланётганини коралайди. Бу романларнинг қахрамонлари ватанпарварлик, озодлик идеалларини ўзларида мужассамлаштирадилар. Улар ёзувчига шон-шуҳрат келтирадилар.

Иккинчи даври-1826-1833 йиллар. Бу давр Купер ижодининг Европага саёхат килган палласига тўгри келади. Бу вактда ёзувчи «Мард» (1831 й.), «Гейденмауэр» (1832 й.), «Жаллод» (1833 й.) каби романларини яратади. Мазкур асарлар Европа мсамлакатлари тарихига багишланган. Юкоридаги романларида муаллиф Европадаги манаархия тузумига АҚШ даги республикачилик тартибларини карама-карши килиб кўйади.

Учинчи давр-1833-1851 йиллар. Бу йилларда Купер ижодида силжиш юз беради.

Ёзувчининг АҚШ хаётига, макталган Америка демократиясига муносабатлари салбий тус олади. Бойлик кетидан кувиш авж олиб, демократик тушунчалар оёқ ости килинаётганини кўрган адибнинг бу даврда яратган асарлари орасида энг эътиборлиси «Моникенлар»(1835 й.) да АҚШ буржуа тузуми кескин хажв остига олинади.

Ёзувчининг «Изкувар» (1840 й.), «Овчи» (1841 й.) каби романлари унинг индеец кабилалари хаётини акс эттирувчи, машхур Чарм Пайпок хакидаги романлари сирасига киради. Бу силсила гирифта романлар ёзувчи ижодининг илк паллаларида хам яратилган эди. Масалан: Пионерлар, Сўнгги Могикан, Прерия. Чарм Пайпок тўгрисидаги бешта романнинг умумий қахрамони овчи Натти Бумподир. Купер лакаби Чарм Пайпок бўлган қахрамоннинг мардлиги, жасурлиги, дўстликда мустахкам садокат эгаси эканлигини мадх килади. Купер ижоди, айникса индеец кабилалари хаётига оид асарлари Россияда хам, Европада хам кенг шуҳрат козонади. Купер асарларидаги инсонпарварлик, оддий кишиларнинг олийжаноб ишлари, ватанни севиш, она табиат жамоли билан фахирланиш хислари бизларга жуда якин. Купер ижодида буржуа тузуми, унинг вакиллари оёги етган жойда инсон кадри ерга урилиши, эрк, озодлик,

демократик тушунчалар оёк ости килинаётганлиги кораланади.

## Мавзунинг кискача холосаси

Европада романтизм адабиёти XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида шаклланди. 1789-1794 йиллардаги биринчи француз буржуа инкилоби Европада феодализм асосларига зарба бериб, буржуа муносабатларини майдонга келтирди. Феодал тартиблари ўрнига келган буржуа тартиблари одамлар онгida, фанда, маданият ва адабиётда, санъатнинг барча соҳаларида кескин ўзгаришларга олиб келди. Эски тартибларга тарафдор бўлган дворян ва аристократ гурухлари инкилоб натижаларидан норози бўлиб, ўтмишга юз ўгирдилар. Уларга мансуб ёзувчилар Ўрта асрни, динни феодал тартибларини мактаб асар ёздилар ва шу туфайли реакцион романтиклар деб ном олдилар. Халкнинг интилишларини ифодаловчи гурухлар хам инкилоб натижаларидан норози бўлдилар. Аммо булар реакцион романтиклардан фарқ килиб, олдинга, келажакка бокдилар. Булар маърифат, озодлик, тенглик, биродарлик гояларига содик бўлиб колдилар. Шунинг учун хам бу гурух тараккийпарвар романтиклар деб ном олади. Тараккийпарвар романтиклар меҳнат ахлининг манфаатларини химоя килиб чиқдилар, озодлик учун олиб борилаётган курашга хайриҳоҳлик билдирилар. Тараккийпарвар романтизм вакилларидан Англиядада Байрон, Шелли, Вальтер Скотт, Францияда В.Гюго, Жорж Санд, Польшада Адам Мицкевич, Юлиус Словакий ва бошкаларни кўрсатиш мумкин. Булар оддий халкка ишонч билан карадилар. Унинг тақдирига, урф-одатларига, миллий анъаналарга, оғзаки ижодга ижобий муносабатда бўлдилар. Тараккийпарвар романтиклар деярли барча жанрларда ижод килдилар. Бу эса улар ёзган асарларнинг ранг-баранг, таъсирчан бўлиб чикишини таъминлади. Образларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги, чукур лиризм, хаётий воеалар тугинидаги мураккабликлар ва карама-каршиликларни кўра билиши билан тараккийпарвар романтиклар жаҳон адабиёти ривожида янги боскич яратдилар.

Бобокулов Юнус Файзуллаевич  
Кўчимов Улугбек Кўчкорович